



# Imperial College London

## INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "MODERN PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY: PROBLEMS AND SOLUTIONS"





INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE  
"MODERN PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY: PROBLEMS AND  
SOLUTION"

7-part, 2-211 pages.

Committee List for  
2021-2022

**Members Of The Editorial Board:**

1. **Dame Sally Davis** (*Chief Medical Officer*).
2. **Sir Bruce Keogh** (*medical director of the National Health Service*).
3. **David Livingstone** (*congregationalist pioneer medical missionary in South Africa–Charing Cross Hospital*).
4. **Norman Morris** (*Obstetrician and healthcare reformer*).
5. **Albert Neuberger** (*chemical pathologist*).
6. **William Kitchen Parker** (*physician and zoologist*).
7. **Sir Andrew Pollard** (*Chief Investigator on the Oxford–AstraZeneca COVID-19 vaccine*).
8. **Sir Rodney Robert Porter** (*Nobel Laureate, Physiology and Medicine*).
9. **Ann Redgrave** (*orthopaedic surgery*).

05.09.2022



## CONTENT

<b>A.O.Abdug'aniyev, O'tanazarova Yulduz Ravshan qizi</b> <i>DINAMIKA QATORLARI KORRELYATSIYASINI O'LCHASH USULLARI</i>	6
<b>A.O.Abdug'aniyev, O'tanazarova Yulduz Ravshan qizi</b> <i>TANLOV VARIATSIYASI VA VARIATSIYA QOIDALARI. TANLOV VARIATSIYASINING TA'RIFI</i>	14
<b>Ochilova Fayyoza Mansurovna</b> <i>BOSHLANG'ICH SINFLARDA DIDAKTIK VOSITALARDAN FOYDALANISH</i>	26
<b>Olimjonov Murodjon Kamoljon O'g'li</b> <i>AMIR TEMUR DAVRIDA MOVOROUNNAHRNING MO 'G 'ULISTON BILAN MUNOSABATLARI</i>	30
<b>Umarova Saodat Iskandar qizi</b> <i>O'ZBEKISTONDA MOBIL TO'LOVLARNING RIVOJLANISHI VA UNING QIYOSIY TAHLILI</i>	34
<b>X.X.Ashurova, N.B.Fayziyeva, D.T.Jovliyeva</b> <i>FITOVIRUS TA'SIRIDA PLANTAGO LANCEOLATA O'SIMLIK BARGIDAGI XLOROFIL MIQDORINING O'ZGARISHI</i>	39
<b>Xaydarova Sh.M, Xusanov D.M</b> <i>OLTINCHI TARTIBLI KOEFFITSIYENTLARI TENG BO'LGAN GIPERBOLIK TIPDAGI DIFFERENSIAL TENGLAMA UCHUN BOSHLANG'ICH MASALA</i>	43
<b>Буриева Шахноза</b> <i>ИССЛЕДОВАНИЯ ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ ЭДГАРА АЛЛАН ПО</i>	49
<b>Фозилов Жахонгир Иброхимович,</b> <b>Абдурахмонова Мохинур Фуркатжон кизи</b> <i>МЕТОДЫ И ПРИЁМЫ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ И ИХ ПОЛОЖИТЕЛЬНЫЕ И ОТРИЦАТЕЛЬНЫЕ СТОРОНЫ</i>	56
<b>Фозилов Жахонгир Иброхимович,</b> <b>Абдурахмонова Мохинур Фуркатжон кизи</b> <i>ВНЕДРЕНИЕ СОВРЕМЕННОЙ ТЕХНОЛОГИИ «ZOOM» В ПРОЦЕСС ОБУЧЕНИЯ</i>	59
<b>Fozilov Jahongir Ibrohimjon o'g'li,</b> <b>Toshmatova Hamidabonu Umidjon qizi</b> <i>TA'LIM TIZIMINI ISLOH QILISHDA YANGI INNOVATSIYALAR</i>	62
<b>Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи</b> <i>КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (ФРАНШИЗИНГ) ШАРТНОМАСИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</i>	66
<b>Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи</b>	73





<i>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЕВРОПАДА СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ</i>	
<b>Шамсия Эгамбердиева</b> <i>АЛЛАНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ</i>	83
<b>Аскарова С.А. Жовлиева.Д.Т., Файзиёва Н.Б</b> <i>ВИРУСНЫЕ БОЛЕЗНИ ГЛАДИОЛУСОВ</i>	87
<b>Фозилов Жаҳонгир Иброҳимович,</b> <b>Абдурахмонова Мохинур Фуркатжон кизи</b> <i>ВАЖНОСТЬ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ СРЕДСТВ В РАЗВИТИИ РЕЧИ И ФОРМИРОВАНИЕ У ДЕТЕЙ ПРАВИЛЬНОЙ РЕЧЕВОЙ КОМПЕТЕНЦИИ</i>	91
<b>Aliyev Abdulaziz</b> <i>ДЖИЗАК - ГОРЫ, РАВНИНЫ И ЗНАМЕНИТАЯ ДЖИЗАКСКАЯ САМСА</i>	94
<b>Kamolov Po'latboy, Salayev Maksut Yuldashevich,</b> <b>Atabayev Nodir Narimon o'g'li</b> <i>TURLI SUG'ORISH TEXNOLOGIYALARINING G'O'ZANING O'SISHI VA RIVOJLANISHIGA TA'SIRI</i>	96
<b>Nazirova Khilolakhon Mirzayakubovna</b> <i>ANALYSIS OF ENGLISH NUMERALS</i>	100
<b>Abduraimov Sirojiddin Abdugarimovich</b> <i>RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA O'QUVCHILARNI KASB HUNARGA YO'NALTIRISH</i>	104
<b>Abdushuxratova Durdona, Muhammadyusupova Madina,</b> <b>Yo'ldashev Axrorjon</b> <i>BOSHLANG'ICH TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHGA QARATILGAN ZAMONAVIY YONDASHUVLARNING MAQSAD VA VAZIFASI</i>	107
<b>Fayziyeva Gulchiroy, Ilamonova Dinora, Yo'ldashov Axrorjon</b> <i>BOSHLANG'ICH SINFLARDA DARSNI SAMARALI TASHKIL ETISH USULLARI</i>	110
<b>Olimova Muazzamxon, Xursandmurodova Nigoraxon</b> <b>Yo'ldoshev Axrorjon</b> <i>ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIM O'QITUVCHISI QANDAY BO'LISHI KERAK</i>	114
<b>Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи</b> <i>КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (ФРАНШИЗИНГ) ШАРТНОМАСИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</i>	122
<b>Ortiqova Shaxnoza Zokir qizi</b> <i>ANGOR TUMANI AHOLISINING SONI , JOYLASHUVI VA DINAMIKASI</i>	130
<b>Eshquvvatov Navro'z Normurot o'g'li, SH.A. Mengliyev</b> <i>VEB SAYTDA SUN'IY INTELLEKTNING AFZALLIKLARI</i>	133



<b>Muxiddinova Muxlisa Muxiddin qizi</b> <b>Abdullayev Salmonbek Murodali o'g'li</b> <i>BOYSUN BOTANIK GEOGRAFIK RAYONINING (BBGR) QISQACHA TASNIFI HAMDA VALERIANA FICARIIFOLIA (BOISS) TURNING (BBGR) UCHRASHI VA TERILGANLIK DARAJASI.</i>	141
<b>A.O.Abdug'aniyev, O'tanazarova Yulduz Ravshan qizi</b> <i>QATOR DINAMIKASINING MODELLASHTIRILISHIDA VAQTLI QATORLARNI QO'LLASH JARAYONI</i>	146
<b>Maxmudjonov Ibroximjon Ismoiljon o'g'li</b> <b>Tojiddinova Layloxon Shokirjon qizi</b> <i>RUHIY (PSIXOLOGIK) SALOMATLIK</i>	160
<b>Tojiddinova Layloxon Shokirjon qizi</b> <b>Maxmudjonov Ibroximjon Ismoiljon o'g'li</b> <i>ILK O'SPIRINLIK DAVRIDA SHASXLARARO MUNOSABATLAR</i>	166
<b>Raximova Yulduzxon Abbosovna</b> <i>BOSHLANG'ICH TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA ILG'OR TAJRIBALARDAN FOYDALANISH</i>	172
<b>Muxamadaliyeva Muxtasarxon Sharobidin qizi</b> <i>BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIGA JADVALDAN TASHQARI KO'PAYTIRISH VA BO'LISHNI O'RGATISHNING MAZMUN, SHAKL VA VOSITALARI</i>	177
<b>Tursunova Gulchehra Madaminjon qizi</b> <i>ONA TILI VA ADABIYOT DARSLARINI INNOVASIYON YONDASHUV ASOSIDA TASHKIL ETISH MAVZUSIDA TAYYORLAGAN MAQOLASI</i>	182
<b>Roziqova Nigora Mahmudovna</b> <i>BOSHLANG'ICH SINFLARDA PIRLS DASTURI ASOSIDA ONA TILI VA O'QISH SAVODXONLIGI FANINI O'QITISH</i>	187
<b>Azimov Muhammadi Azim o'g'li</b> <i>ARAB MAMLAKATLARIDA JAMIYATNI BOSHQARISHDA INNOVATSIYON VA INTERNET TEXNOLOGIYALARINING O'RNI</i>	190
<b>Д.Ш.Исломов</b> <i>АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТГАН КҮНЛАР” АСАРИДАГИ ФОНОСТИЛИСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ДИСКУРСИВ ТАҲЛИЛИ</i>	196
<b>Bakhshilloev Azizbek, Kodirov Farkhodjon</b> <i>DEVELOPMENT OF LANDSCAPE ARCHITECTURE</i>	203
<b>RESULTS ACHIEVED IN THE FIELD OF SPORTS IN JIZZAKH REGION</b>	207



## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТГАН КУНЛАР” АСАРИДАГИ ФОНОСТИЛИСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ДИСКУРСИВ ТАҲЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7057445>

**Д.Ш.Исломов**

*БухДУ, Таржимашунослик ва лингводидактика  
кафедраси таянч докторанти*

**Аннотация:** *Мазкур мақола ўзбек адабий тилидаги грамматик, фонетик ва фоностилистик бирликларнинг жонли сўзлашувда ўзгаришлари, товушларнинг тушуриб қолдирилиши, ўрин алмашиш ҳолатлари каби фонетик ҳодисаларнинг Абдулла Қодирий асарлари - “Ўткан кунлар” романи мисолида таҳлил қилинади. Абдулла Қодирийнинг ўзбек тили фонетикасига қўйилган улкан ҳиссасини кўрсатиб берган мазкур роман ўзбек тили фонетик ўзгаришларига бой бўлган манбалардан бири эканлиги ҳақида фикр юритилади.*

**Калит сўзлар:** *жонли сўзлашув, сингармонизм шевалар, сингармонистик вариантлар, фонетик диалектизм, фонетик қонуният, фонология, морфонология, умумбашарий қадриятлар*

Француз тилшунос олими, машҳур кельтолог, кўплаб университетларнинг фахрий доктори, ёзувчилар академиясининг аъзоси, тил муаммолари билан қизиққан, тилшуносликнинг таниқли намояндаси Жозеф Вандриес бундан бир арс олдин шундай таъкидлаган: “Тилшунослар тилдаги уч таркибий қисмни: товушлар, грамматика ва луғатини бир-биридан ажратадилар”<sup>28</sup>.

Дарҳақиқат тил инсонлар ўртасидаги алоқа востаси, тил менталитет, анъана ва одатларни ҳамда ўзига хос оламни тушуниш усулини айнан тил орқали қабул қиладиган инсонни шакллантирувчи қуролдир<sup>29</sup>. Сўзловчи шу қурол орқали тингловчига маълум бир маъно ва мақсадни етказди. Шу маъно ва мақсад товуш ёки товушлар уйғунлигида ифодаланган бўлади.

Тилнинг фикрлашга нисбатан фаол муносабатда бўлиши ҳақидаги ғояни олға суришга ҳаракат қилганларнинг биринчи қаторида Э.Сэпир ва

<sup>28</sup> Вандриес Ж. Язык. -М., 1937. -С.16

<sup>29</sup> Жўраева М.М. “Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари”. Филология фанлари докторлик диссертацияси. Тошкент. 2016. – Б.233.



Б.Л.Уорф туради. Бу тилшуносларнинг тил ҳукмронлиги тўғрисидаги қарашлари шунчалик кенг тарқалганки, у маълум маънода борлиқни барпо этишга қодир деган хулосани беради: «Инсон зоти фақат объектив дунё ва жамоа фаолияти оламидагина яшамайди. Инсон муайян даражада 37 жамиятнинг мулоқот ва ўзини ўзи билдириш воситаси сифатидаги, муайян бир тилнинг ҳукмронлиги остида бўлади»<sup>30</sup>.

“Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси шу тилнинг адабий талаффузи ва тил маданияти билан бевосита узвий боғлиқдир. Жумладан, фонология ва морфонология, интонология ва стилистика, тил матншунослиги, семиотика (рамзий белгилар тили) каби соҳалар ҳануз етарли ўрганилмай келмоқда, шунинг учун чуқурроқ муҳокама этиш ва бу соҳадаги илмий изланишларни давом эттириш зарур”<sup>31</sup>. Чунки, ўзбек тилшунослигининг ҳозирги даврда қўлга киритаётган катта ютуқлари билан бирга, ҳали янада батафсил, кенгроқ илмий тадқиқ этилмаган кўпгина соҳалар ҳам мавжуддир.

Машҳур француз этнолог, социолог, культуролог олими, мифология ва фольклор тадқиқотчиси Клод Леви-Строснинг фикрича: «Фонология ижтимоий фанларга нисбатан қанчалик янгиловчилик хизматини бажарган бўлса, хусусан, ядро физикаси ҳам барча аниқ фанларга нисбатан шунчалик хизмат қилган»<sup>32</sup>.

Биламизки, тилшунослиқда ҳам бошқа фанлар сингари умумий-илмий категориялар мавжуд бўлиб, уларни, биринчи навбатда, фонологиядан излаш лозим бўлади, чунки у тилнинг бошқа босқичларидан кўра кўпроқ, қолаверса чуқурроқ ўрганилган. Аммо фонологиядаги умумий категориялар ва қонуниятлар муайян тилларни илмий тадқиқ қилишда ҳали етарлича татбиқ этилгани йўқ, шунингдек, шуни таъкидлаш жоизки, фонологиядаги кўпгина қонуниятлар, термин, категория, тушунча ва атамалар турли фанлар ва уларнинг турли-туман соҳаларини кенгроқ ўрганишда катта ёрдам бериб келмоқда.

Ўзбек халқининг тарихи, дунёқарashi, маиший турмуши, этнографияси, миллий руҳияти, оғзаки ва ёзма адабиётини, умуман олганда асрлар мобайнида халқнинг тарихи, урф-одати, анъаналари, ўй-кечинмалари, бугуни ва келажаги учун муҳим аҳамият касб этиб келган ўз

<sup>30</sup> Тарасов Б.Ф. Язык как средство трансляции культуры.– М.: Наука, 2000. – С.53

<sup>31</sup> Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент, 2010.

<sup>32</sup> К. Леви-Строс. Структурная антропология. М., 1985, – С.35



она тили – ўзбек тилининг ўрни биқиёсдир.

Маълумки, ўзбек тили қипчоқ, ўғуз, қорлуқчигилуўгур каби 3 та тил бирлиги сифатида шаклланиб, мураккаб диалектал таркиби билан ажралиб туради. Ўзбек тилининг асосий фонетик белгилари: таянч шеваларда, шунингдек, бошқа туркий тилларда 8-9 унли бўлгани ҳолда, адабий ўзбек тилида 6 унлининг мавжудлиги; айрим шеваларга, бошқа бир қанча туркий тилларга хос бўлган лаб ва танглай оҳангдошлиги (сингармонизм)нинг адабий Ўзбек тилида йўқлиги, урғунинг, асосан, сўзнинг охириги бўғинига тушиши ва бошқалардир. Шунингдек, ўзбек тили жаҳондаги энг йирик туркий тилларидан бири бўлиб, грамматикаси, стилистикаси, лексикологияси, фонологияси ва морфонологияси ривожланиши тарихида XX асрнинг 20-30-йиллари алоҳида ўрин тутди. XX асргача бўлган ўзбек адабий тилида асосан, XIV-XV асрларнинг буюк олими, таржимон ва ёзувчиси Мир Алишер Навоий асарларига назиралар ёзиш ва бағишлаш, унинг тил услубига эргашиш анъаналари кучли бўлиб, бу тил жонли сўзлашув тилидан анча узилган ва унинг кенг халқ оммасига тушунилиши қийин эди. Шу муаммо ва камчиликларни инобатга олиб, мумтоз ўзбек адабий тилини жонли сўзлашув тилига яқинлаштиришни XX аср бошларида биринчилардан бўлиб ўзбек шоири ва ёзувчиси Абдурауф Фитрат раҳбарлигидаги “Чигатой гурунги” номли туркий халқлар маданияти, санъати, адабиёти, тарихи, тил ва имлоси каби соҳаларни илмий тадқиқ қилиш ташкилоти ўзининг бош вазифаси қилиб олгани маълумдир. Мазкур илмий тадқиқотлар ўзбек тилининг барча бўлимларига айниқса фонетика ва стилистикага доир тадқиқу-изланишлари натижаси Абдулла Қодирий асарлари, хусусан, “Ўткан кунлар” романи тилида ёрқин намоён бўлди, десак адашмаймиз. Негаки, Абдулла Қодирий асарларининг тили ўта содда, ҳар турли фикр-туйғуларни ифода этишда осон ва бенуқсон деб бемалол айта олишимиз мумкин.

Абдулла Қодирийнинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишидаги хизматлари беқиёслигини ўзбек олимаси Джалалова Лазокат Одиловнанинг “Абдулла Қодирийнинг “Ўткан Кунлар” романининг лингвистик тадқиқи” номли докторлик диссертациясида ҳам кузатиш мумкин. Ҳозирги пайтда миллий кадриятларни тиклаш, миллий кадрият сифатида эъзоз топишига йўл очиш, уларни умумбашарий кадриятлар билан ҳамоҳанг равишда ривожлантириш, миллий ўзига





хосликларни ўрганиш, миллий характери, миллий руҳиятини инсон нутқида фойдаланилиши натижасида содир бўладиган фоностилистик ўзгаришлар муҳим аҳамиятга молик, десак муболаға бўлмайди. Қолаверса, фонологик бирликлар – фонема, бўғин, урғу, интонациянинг қандай ҳосил бўлиши, яъни субстант жиҳати функционал ва структурал жиҳатлар ўртасида алоҳида ўрин эгаллашини ҳам айтиш лозим бўлади.

Шу омилларни инобатга олиб Абдулла Қодирий асарларини ўрганиш ўзбек адабий тили, фонетика, фонология, морфонология ва стилистикасини ривожланиши учун ўринли аҳамият касб этади. Ёзувчининг ижоди мамлакатимизда миллий уйғониш ҳаракатининг бошланиш даврига тўғри келиши билан бирга Абдулла Қодирий ижодини янги илмий парадигама, янги тафаккур, ижтимоий зарурат нуқтаи назаридан таҳлил этиш ўзига хос долзарбликни белгилайди. Чунки бадиий адабиёт маънавий ҳаётнинг тараққий этиб ривожланишида, келажаги буюк ҳуқуқий демократик давлатнинг шаклланишида, миллий мафқуранинг ҳар бир фуқаро онгига сингишида ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Маълумки, “Чиғатой гурунги” ўзбек адабий тили учун сингармонизмли шеваларнинг асос бўлишини тарғиб қилди. Ана шу ҳаракатнинг таъсири айниқса “Ўткан кунлар” асари тилида яққол намоён бўлади.

Таниқли тилшунос, академик Азим Ҳожиёв ҳам «Ўзбек тили» номли мақоласида адабий тилимизда сингармонизм бирмунча сустроқ равишда бўлса ҳам мавжудлигини, айрим шеваларда эса у фонетик қонуният эканини баён қилиб, «аффикслар -кан/-қан, -ган/-ған каби сингармонистик вариантлари билан келади» деган илмий қарашлари юқоридаги назарияларни исботлайди.

Ўзбек олимаси Л.О.Джалоловнинг XX асрнинг 20-йилларида яратилган “Ўткан кунлар” асарида бу фонетик қонуниятга тўла амал қилинади, деган фикрлари хусусан мисол тариқасида:

*“... Мен кампир билан хайрлашиб чиқа бошлаган едим, Саодат «Панжшанба кун борайми», деб сўради. Мен кампирнинг олдиға қайтиб бордим-да, айтдим : - Саодатингизнинг бўйи чўзилиб қолган кўринадир, мундан сўнг мактабдан бўшаган вақтида Сайфини юборсангиз қалай бўлар экан ва қўлим бўшаган кезларда ўзим ҳам келиб турарман, - дедим. (198-б)”* деб юқорида келтирилган ушбу



мисолларида асар ёзилгандан кейинги ва ҳозирги ўзбек адабий тили ўрталаридаги бўлган фонетик ўзгаришларни яққол кўриш мумкин.

Олиманинг фикрича асарда учрайдиган фонетик диалектизмларни уч гуруҳга ажратиш мумкин<sup>33</sup>:

1) ҳозирги Тошкент шевасида фонетик жиҳатдан айнан қўлланаётган диалектизмлар: *амак* (амаки), *чакиб* (чекиб), *махтий-махтий* (мақтай-мақтай) ...

*-Кечирасиз, амак,-деб Отабек кулимсиради. (16-бет)*

Сўз ўртаси ва охирида унли ва ундош товушларнинг тушиб қолиши – синкопа ва апакопа ҳодисаси Тошкент диалектига хос фонетик ҳодиса бўлиб, муаллиф бу ўзгаришни Отабек нутқи орқали кўрсатади.

2) ҳозирги кунга келиб фонетик хусусиятлари ўзгарган диалектизмлар: *бояғи-бояги, ешиниб-ечиниб, чешинар экан-ечинар экан.*

*Ешиниб ётқан бўлса ҳам бекнинг хусуси уни кўз юмғали қўймади. (23-бет) ... “қачон бориш” масаласини яхшилаб ешмак керак эди. (297-бет)* Матнда ўзбек шеваларига хос бўлган товуш алмашиниши ҳодисаси учрайди;

3) Марғилон қипчоқ шевалари. Масалан:

*Жаннат хола:*

*-Қиҳ, жуда балан* (баланд)

*Мутал:*

*-Балан* (д) *бўлса зарари йўқ* (243-бет)

Сўз охирида этимологик [д] товушининг талаффузда тушиб қолиши Жаннат хола ва Мутал ўғри нутқида кўринади. Адиб бу билан персонажларнинг марғилонлик эканини нутқида ифода этган.

Сингармонизм таъсири, “Чиғатой гурунги” излари асарда кейинги ўринларда ҳам сезилганлигини кузатиш мумкин, айниқса, товуш алмашиниши кўп ўринларда кўринади. Шу маънода сингармонизм сўздаги унлиларнинг маълум нуқтаи назардан бир хиллашиши бўлиб, бу хусусида Н.К.Дмитриевнинг “товушлар ассимиляциясининг кўринишларидан биридир”<sup>34</sup>, деб изоҳлагани бежизга эмас.

<sup>33</sup> Джалолова Л.О. Абдулла Қодирий —Ўткан кунлар| романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди... дисс....автореф. – Т., 2007.

<sup>34</sup> Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка. -С .38.



Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Қодирийнинг барча асарларида унинг маҳорати ўзига хос тарзда намоён бўлиши, ўз нутқида ва қаҳрамонлари тилида учраган ҳар бир сўз ва гапда уларнинг руҳий-маънавий кайфияти, орзу-ниятлари, инсонга, ҳаётга, табиат ҳодисаларига муносабати, дунёқараши ва маданий савияси, ҳис-туйғу ва хулқ-атвори акс этиб туриши, персонажлар руҳиятидаги ижобий ва салбий муносабатлар, воқеа-ҳодисалар, шахснинг ички ва ташқи қиёфаси ҳамда адибнинг уларга бадиий-эстетик муносабатини аниқ кузатиш мумкин.

Фонологиядаги баъзи хусусиятларнинг табиати бошқа фанлардаги турли ҳодисалар билан умумий қонуниятларга эга ҳисобланади. Фоносемантика ҳамда фоностилистика каби тилшуносликнинг қизиқарли ва таҳлилбоп йуналишлари орқали ўзбек тилининг ўзига хос томонлари тадқиқ этилмоқда. Экспрессив нутқнинг талаффуз хусусиятлари фонетика ва фонологиянинг «фоностилистика» бўлимида ўрганилмоқда ва бу тилшунослик илмига муайян даражада хизмат қилиши шубҳасиздир.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. D.Sh.Islomov. (2021). The Definition of The Concepts of «Phoneme» and «Phonostylistics». Middle European Scientific Bulletin, 9. <https://doi.org/>
2. Islomov, D. (2021). THE ROLE OF PHONOSTYLISTIC UNITS AND PHONEMES IN THE PROCESS OF TEACHING FRENCH TO ADULTS IN THE ANALYSIS OF EXAMPLES. 10.47494/mesb.2021.9.204 Конференции, 1(1). <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.971>
3. ISLOMOV, D. Sh, and GA JAHONGIROVA. «THE ROLE OF PHONOSTYLISTICS AND PHONOSTYLISTIC UNITS IN TEACHING FRENCH AT HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS.» E-Conference Globe. 2021.
4. Д.Ш Исломов. “Поэтические формы как культуроведческий компонент при обучении иностранному языку». Статьи в Академии Наука. Мысль: электронный периодический журнал, 2015. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/poeticheskie-formy-kak-kulturovedcheskiy-komponent-pri-obuchenii-inostrannomu-yazyku> (дата обращения: 13.03.2021).
5. Д Исламов, НВ Ванцова, ТМ Хусяинов – “Возможности использования проектной методики при преподавании иностранных языков” Наука. Мысль: электронный периодический журнал, 2016. 6. URL:



<https://cyberleninka.ru/article/n/vozmozhnosti-ispolzovaniya-proektnoy-metodiki-pri-prepodavanii-inostrannyh-yazykov> (дата обращения: 13.03.2021).

6. Islomov, D. (2021). ЖИЗНЬ АБДУЛЛЫ КАДИРИ И ЕГО ВКЛАД В УЗБЕКСКУЮ ЛИТЕРАТУРУ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 6(2). извлечено от

[http://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/561](http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/561)

7. Islomov, D. (2021). ФОНЕМА ВА ФНОСТИЛИСТИКА НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НА ПОНЯТИЯ ФОНЕМЫ И ФНОСТИЛИСТИКИ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 1(1). извлечено от

[http://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/560](http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/560).

8. D Islomov - SECTION: CULTURAL SCIENCE MODERN SCIENTIFIC RESEARCH, 2019.

9. Islomov, D. (2022). Француз тили фонетикаси Француз тили фонетикасининг ўзига хос жиҳатлари: Француз тили фонетикасининг ўзига хос жиҳатлари. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 8(8). извлечено от [http://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/4108](http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/4108).

10. Islomov D. S. THE ROLE OF SONORS IN ENHANCING PHONETIC RESONANCE AND MELODY IN UZBEK POETRY //International Virtual Conference on Language and Literature Proceeding. – 2022. – Т. 1. – №. 1.

11. Islomov D. S. THE ART OF TAVZE (ALLITERATION) IN THE PHONETIC STYLE OF THE UZBEK LANGUAGE IMPORTANCE (IN THE EXAMPLE OF POETIC WORKS) //International Virtual Conference on Language and Literature Proceeding. – 2022. – Т. 1. – №. 1.

12. ДШ.Исламов - [ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ КОНФЛИКТЫ И ИХ РАЗРЕШЕНИЕ](#) - NovaInfo. Ru, 2016.

13. Islomov, D. (2022). СТИЛИСТИКА ТУШУНШАСИ ТЎҒРИСИДА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ВА ТАҲЛИЛЛАР. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 12(12).извлечено от [https://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/6504](https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/6504)